



“МАРКАЗИЙ ОСИЁ — КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ” САММИТИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАМКОРЛИК СУРЪАТИНИ ЯНАДА ЮҚОРИ СИФАТ БОСҚИЧИГА КЎТАРИШ УЧУН ПОЙДЕВОР БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мённинг таклифига биноан 13-16 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари 16 сентябрь кунги Сеул шаҳрида биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммитида иштирок этди.

Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мён раислигида ўтказилган тадбирда

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё давлатлари ва Корея Республикаси ўртасида хавфсизлик, бир-бирини тўлдириб турадиган амалий ҳамкорлик, гуманитар алмашинувлар каби устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни

кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида Корея Республикаси стратегик жиҳатдан узоқни кўзлаб иш тута олишини намойиш этган ҳолда, Марказий Осиё тимсолида яқин ва ўзаро манфаатли шериклик учун улкан салоҳиятни 2007 йилдаёқ биринчилардан бўлиб қўрганини таъкидлади.

— Биз Корея томонининг мамлакатларимизни саноатлаштириш, инфратузилмани модернизация қилиш ва барқарор ривожланиш учун мустақкам пойдевор яратишга қўшаётган салмоқли ҳиссасини самимий қадрлаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу мустақкам алоқаларнинг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади — улар Буюк ипак йўлидаги карвон йўлларидан бошланган. Мустақкам дўстлик замирида ҳаётий қадриятларимизнинг муштараклиги — кекса авлодга чуқур ҳурмат, ҳалол меҳнатни қадрлаш, она заминга меҳр ва садоқат каби асосий ҳаётий қадриятлар мужассам.

— Кўп миллатли Марказий Осиё оиласининг ажралмас қисмига айланган корейс диаспораси халқларимизнинг бирдамлиги ва ўзаро ҳурмат-эҳтиромининг ёрқин рамзидир, — дея таъкидлади Президентимиз.

Бугунги кундаги асосий вазифа нафақат ҳамкорлик бўйича эришилган суръатни сақлаб қолиш, балки бу муваффақиятларни ривожланишга янада жадал тус бериш учун пойдеворга айлантиришдан иборат экани таъкидланди.

Марказий Осиё ва Корея Республикасининг қудратли салоҳиятларининг

қўшилиши ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш борасида янги уфқларни очади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти ҳамкорликнинг бешта стратегик йўналиши бўйича таклифларни илгари сурди.

Биринчи йўналиш ҳамкорликни режалаштиришнинг узоқ муддатли уфқларини шакллантиришни қамраб олади.

— Бугунги замонавий дунёдаги глобал ўзгаришлар суръати давлатларнинг унга мослашиш имкониятидан тобора илгарилаб кетмоқда. Сунъий интеллект меҳнат бозори ва бутун бошли саноат тармоқларини ўзгартирмоқда. Иқлим ва сув билан боғлиқ хавф-хатарлар келгуси бир неча ўн йилликлар учун мўлжалланган ечимларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Таълим, инфратузилма, технология ва инсон капиталига нисбатан янги талаблар пайдо бўлмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Ушбу таҳдидларга жавобан “Марказий Осиё — Корея Республикаси: жадал ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик” деб номланган узоқ муддатли концептуал қарашни ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Кибертаҳдидларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш механизмларини яратиш борасида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш орқали рақамли келажак хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам умумий эътибор марказида бўлиши лозим.

Иккинчи соҳа савдо-иқтисодий ва инвестициявий имкониятларни ягона бизнес мантиғи доирасида бирлаштиришга қаратилган.

— Бугунги кунда Марказий Осиё фақат хомашё етказиб берадиган минтақа эмас. Мамлакатларимиз инновацион ва технологик ҳамкорлик учун имкониятларни кенгайтирган ҳолда, қўшимча қийматнинг глобал занжирлариغا фаол қўшилмоқда, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Саноат ва савдо вазирлари учрашувлари платформасини яратиш ташаббуси қўллаб-қувватланди. Ушбу мувофиқлаштирувчи механизмнинг таъсис этилиши ўзаро савдонинг сезиларли даражада кўпайтириш учун биргаликда самарали ечимларни топиш ҳамда 2030 йилга бориб, минтақа мамлакатлари ва Корея ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмининг 20 миллиард долларга етказиш имконини беради.

Саноат кооперацияси ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш доирасида минтақа бозори учун инновацион ишлаб чиқариш базаси бўлиб хизмат қиладиган “Марказий Осиё — Корея” саноат-технологик паркинни Ўзбекистонда ташкил этишга тайёрилик билдирилди.

Мамлакатлар ҳудудлари ўртасида тўғридан тўғри шериклик алоқаларининг йўлга қўйилиши иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи экани ва бунга келгуси йили Самарқандда бўлиб ўтадиган Марказий Осиё ва Корея учинчи ҳудудлараро форумида барча мамлакатлардан маҳаллий ҳокимлик ва бизнес вакиллари иштирок этиши орқали эришиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

➔ **Давоми 2-бетда**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРИНЧИ “МАРКАЗИЙ ОСИЁ — КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ” САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Ли Чжэ Мён Жаноби Олийлари!

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Ўзал Сеул шаҳрида яна бир бор бўлиб турганимдан гоят мамнунман. Ушбу мегаполисга ташриф буюрар эканман, унинг жадал тараққиёти ва бетакор қиёфаси мени ҳар сафар хайратга солади.

Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мён Жаноби Олийларига тарихдаги биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммити юксак даражада ташкил этилгани ва самимий меҳмондўстлик учун билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Ушбу ноёб ҳамкорлик платформасининг муҳимлиги ҳақида билдирилган фикрларни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Корея Республикаси стратегик жиҳатдан узоқни кўзлаб иш тута олишини намойиш этган ҳолда, Марказий Осиё тимсолида яқин ва ўзаро манфаатли шериклик учун улкан салоҳиятни 2007 йилдаёқ биринчилардан бўлиб кўрди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат асосида барпо этилмоқда. Ҳамкорлигимизнинг мақсадлари мутлақо очик, прагматик ва бунёдкорлик хусусиятига эга.

Биз Корея томонининг мамлакатларимизни саноатлаштириш, инфратузилмани модернизация қилиш ва барқарор ривожланиш учун мустақкам пойдевор яратишга қўшаётган салмоқли ҳиссасини самимий қадрлаймиз.

Муҳтарам Президент Жаноблари, Ўзбекистон Корея яриморлида тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш борасида олиб бораётган сиёсатини қатъий қўллаб-қувватлайди.

Бизнинг мустақкам алоқаларимизнинг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Улар Буюк ипак йўлидаги карвон йўлларида бошланади. Ушбу мустақкам дўстлик замирида нафақат ўзаро манфаат, балки маънавий-ахлоқий қардошлик ҳам мужассам.

Кекса авлодга чуқур ҳурмат, ҳалол меҳнатни қадрлаш, она заминга меҳр ва садоқат каби асосий ҳаётий қадриятлар халқларимиз учун бирдек яқиндир.

Кўп миллатли Марказий Осиё оиласининг ажралмас қисмига айланган корейс диаспораси халқларимизнинг бирдамлиги ва ўзаро ҳурмат-эҳтиромининг ёрқин рамзидир.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Бизнинг бугунги кундаги асосий вазифамиз фақат ҳамкорлик бўйича эришилган суръатни сақлаб қолиш эмас, балки бу муваффақиятларни янада юқори сифат билан олдинга боришнинг пойдевориغا айлантиришдан иборат.

Марказий Осиё жаҳон бозорларидаги бекарорликка қарамасдан, 6 фондан зиёд ўсиш суръатларини намойиш этмоқда. Умумий ялли ички маҳсулот ҳажми 500 миллиард доллардан ошди.

Саксон миллион нафардан ортиқ аҳолига эга бўлган мамлакатларимиз ишонч билан Евроосиёнинг “барқарорлик минтақаси” ва “глобал боғлиқлик маркази”га айланиб бормоқда.

Ўз навбатида, Корея Республикаси замонавий технологиялар, инновация ва илм-фанга асосланган ишлаб чиқариш соҳасида дунёдаги етакчи давлатлардан бири ҳисобланади.

Ишончим комилки, ушбу икки қудратли салоҳиятнинг қўшилиши биз учун ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш борасида янги уфқлар очади.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бутун сизлар илгари сурган барча ташаббусларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, мен ҳамкорликнинг бешта стратегик йўналиши бўйича таклифларимизни билдирмоқчиман.

Биринчи йўналиш ҳамкорлигимизни режалаштиришнинг узоқ муддатли уфқларини шакллантиришни қамраб олади.

Бугунги замонавий дунёдаги глобал ўзгаришлар суръати давлатларнинг унга мослашиш имкониятидан тобора илгарилаб кетмоқда. Сунъий интеллект меҳнат бозори ва бутун бошли саноат тармоқларини ўзгартирмоқда. Иқлим ва сув билан боғлиқ хавф-хатарлар келгуси бир неча ўн йилликлар учун мўлжалланган ечимларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Таълим, инфратузилма, технология ва инсон

капиталига нисбатан янги талаблар пайдо бўлмоқда.

Бундай шароитда воқеалар ривожини чуқур англаш, тараққиёт борасида пайдо бўлаётган имкониятларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни амалга ошириш учун шароит яратиш қобилияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ана шу таҳдидларга жавобан “**Марказий Осиё — Корея Республикаси: жадал ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик**” деб номланган узоқ муддатли концептуал қарашни ишлаб чиқишни таклиф қиламиз. Унинг бош мақсади — келажакда мамлакатларимизга қандай компетенциялар, ишлаб чиқариш қувватлари, инфратузилма, кадрлар ва мутахассислар керак бўлишини олдиндан белгилаб олишдир.

Ушбу ҳужжатдаги вазифаларни амалга ошириш учун Жадал ривожланиш лойиҳалари портфелини шакллантириш муҳим деб ҳисоблаймиз. Унга мамлакатларимиз учун янги ўсиш манбалари ва узоқ муддатли имкониятларни яратишга қодир бўлган, катта бурилиш ясайдиган ташаббуслар киритилиши керак.

Рақамли келажак хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам умумий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Кибертаҳдидларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш механизмларини яратиш борасида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ўта муҳим деб ҳисоблаймиз.

Бундай муносабатлар натижасида бизнинг ҳамкорлигимиз ягона стратегик ёндашув ва эртанги кунимизнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда барпо этилади.

Иккинчи соҳа бизнинг савдо-иқтисодий ва инвестициявий имкониятларимизни ягона бизнес мантиғи доирасида бирлаштиришга қаратилган.

Бугунги кунда Марказий Осиё фақат хомашё етказиб берадиган минтақа эмас. Мамлакатларимиз инновацион ва технологик ҳамкорлик учун имкониятларни кенгайтирган ҳолда, қўшимча қийматнинг глобал занжирлариغا фаол қўшилмоқда.

Бизнинг минтақамиз савдо бўйича хавф-хатар зоналаридан ташқарида жойлашган ишлаб чиқариш майдонларига эга

экани ва маҳсулотларга талаб тез ўсиб бораётгани билан Корея Республикаси учун Евроосиёдаги алмаштириб бўлмайдиган ҳамкорига айланиши мумкин.

Биз саноат ва савдо вазирлари учрашувлари платформасини яратиш тўғрисидаги ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Ушбу мувофиқлаштирувчи механизмнинг таъсис этилиши ўзаро савдонинг сезиларли даражада кўпайтириш учун биргаликда самарали ечимларни топиш имконини беради.

Тўсиқларни бартараф этиш, сертифицикатлаш бўйича тартиб-таомилларни ва маҳсулотларнинг маҳаллий савдо платформаларига ўзаро кириб боришини соддалаштириш юзасидан таъсирчан чора-тадбирларни кўриш муҳимдир.

Аминманки, ушбу қадамлар бизга улкан, аммо тўлиқ эришса бўладиган мақсадни амалга ошириш — 2030 йилга бориб минтақамиз мамлакатларининг Корея билан савдо айланмасини 20 миллиард долларга етказиш имконини беради.

Саноат кооперацияси ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш доирасида Ўзбекистонда “Марказий Осиё — Корея” саноат-технология паркинни жойлаштиришга тайёризмиз. Ушбу парк минтақа бозори учун инновацион ишлаб чиқариш базаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларни автокомпонентлар, электротехника, машинасозлик, фармацевтика ва кимё саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратиш таклиф этилади.

Бундан ташқари, мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасида тўғридан тўғри шериклик алоқаларини йўлга қўйишнинг иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи деб ҳисоблаймиз.

Келгуси йили Самарқандда бўлиб ўтадиган Марказий Осиё ва Корея учинчи ҳудудлараро форумида барча мамлакатлардан маҳаллий ҳокимлик ва бизнес вакилларини кўришдан мамнун бўламиз.

Учинчи йўналиш нодир минераллар соҳасидаги ҳамкорликда янги саҳифа очишга қаратилган.

Бу йўналиш Марказий Осиё ва Корея ўртасида стратегик манфаатларнинг ноёб

уйғунлигини яратади. Ушбу қимматбаҳо хомашёга бўлган талаб тез ўсиб бораётгани ва унинг Марказий Осиёдаги улкан захираларини ҳисобга олган ҳолда, минтақа жаҳон бозорида етакчи етказиб бериувчилардан бирига айланишга қодир. Бу борада Кореянинг илгор технологиялари ва капитали ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкин.

Шу муносабат билан биз нодир минераллар бўйича Минтақавий инвестициявий альянсини ташкил этишни таклиф этамиз. Мазкур ташаббус минтақада ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари — геология-қидирув ва қайта олишдан тортиб, хомашёни чуқур қайта ишлаш ҳамда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни қамраб оладиган йирик саноат кластерларини ташкил этишга қаратилган.

Ҳамкорлигимизнинг тўртинчи йўналиши “яшил” тараққиёт ва иқлим ўзгаришига мослашиш эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Корея, Париж келишуви доирасида, хорижий мамлакатларда иқлимга оид лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилган, бизнинг минтақамиз эса “яшил” инвестициялар учун қулай шароитлар яратиш ва ишончли платформа бўлишга тайёр.

Ушбу имкониятларни бирлаштириш мақсадида Марказий Осиё ва Корея ўртасида иқлим ва углевод ҳамкорлиги бўйича форматни ишга туширишни таклиф этамиз.

Биз иқлим, энергетик ўтиш ва ҳаво сифати бўйича қўшма ташаббуслни олқилаймиз. Умид қиламизки, бу Корея технологиялари трансферига, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларининг даврий ва кам углеводли иқтисодиётга муваффақиятли ўтишига ёрдам беради.

Бешинчи йўналиш фундаментал аҳамиятга эга бўлиб, ёш авлод салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича биргаликда ишлашни назарда тутади.

Марказий Осиё — алоҳида демографик энергияга эга бўлган минтақа бўлиб, аҳолисининг ярмидан кўпини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Айнан ёш авлод мамлакатларимизнинг рақобатбардошлигини белгилайди.

Биз муҳандислик, технология ва рақамли соҳалардаги мутахассисларга талаб ортиб бораётган вазиятга дуч келмоқдамиз.

Биз учун ёш авлод келгусида илгор билмлар, кўникмалар ва халқаро тажрибадан фойдаланиш имконига эга бўлган ҳолда, замонавий технологик иқтисодиётнинг бир қисмига айланиши жуда муҳимдир.

Шу муносабат билан инсон капиталини ривожлантириш соҳасида узоқ муддатли ҳамкорлиқни шакллантиришни таклиф этамиз. Бу ҳамкорлик “буюртма — ўқи-тиш — бандлик” деган аниқ тамойилга асосланиши керак.

Биз истиқболни Корея бизнесининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини минтақамизнинг таълим соҳасидаги салоҳияти билан бевосита боғлашда кўрмоқдамиз. Бундай ёндашув кўплаб истеъдодли ёшлар учун қадимий ривожланиш учун йўл очади ва қўшма лойиҳаларимиз бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашни кафолатлайди.

Айниқса, сунъий интеллект технологияларини биргаликда ишлаб чиқиш ва жорий этиш, минтақада кенг қамровли технологик база ва кўникмаларни яратишда ёшларнинг алоҳида ўрни ва ролига талаб катта.

Президент Ли Чжэ Мён Жаноби Олийларининг “Ўхшаши йўқ Корея” доктринсини ушбу кенг қўламли жараён учун Марказий Осиёдаги асосий таянч майдонлардан бирига айлантиришни таклиф этамиз.

Қадрли дўстлар!

Биз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ҳамкорлигимизни кенгайтира оламиз, уни янги лойиҳалар билан тўлдириб, мавжуд улкан салоҳиятдан мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида фойдалана оламиз деб ишонаман.

Сўзимнинг якунида Ўзбекистон келгуси йилда Корея Республикаси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 35 йиллиги ва корейс диаспорасининг минтақамизда яшай бошлаганининг 90 йиллигига бағишланган байрам тадбирларини энг юқори даражада ўтказишга тайёр эканини таъкидламоқчиман.

2026 йил 17 сентябрь, 192-сон

“МАРКАЗИЙ ОСИЁ — КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ” САММИТИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАМКОРЛИК СУРЪАТИНИ ЯНАДА ЮҚОРИ СИФАТ БОСҚИЧИГА КЎТАРИШ УЧУН ПОЙДЕВОР БЎЛАДИ



Бошланиши 1-бетда

Учинчи йўналиш нодир минераллар соҳасидаги ҳамкорликда янги саҳифа очишга қаратилган.

— Ушбу қимматбаҳо хомашёга бўлган талаб тез ўсиб бораётгани ва унинг Марказий Осиёдаги улкан захираларини ҳисобга олган ҳолда, минтақа жаҳон бозорида етакчи етказиб берувчилардан бирига айланишга қодир, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Шу боис, минтақада ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари — геология-қидирув ва қазиб олишдан тортиб, хомашёни чуқур қайта ишлаш ҳамда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни қамраб оладиган йирик саноат кластерларини ташкил этиш мақсадида нодир минераллар бўйича Минтақавий инвестициявий альянсини шакллантириш тақлиф этилди.

Ҳамкорлиқнинг тўртинчи йўналиши “яшил” тараққиёт ва иқлим

ўзгаришига мослашиш эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Иқтисодиётларимиздаги бир-бирини тўлдириб турувчи имкониятларни бирлаштириш мақсадида Марказий Осиё ва Корея ўртасида иқлим ва углевод ҳамкорлиги бўйича форматни ишга тушириш тақлиф этилди.

Бешинчи йўналиш ёш авлод салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича биргаликда ишлашни назарда тутади.

Марказий Осиё — алоҳида демографик энергияга эга бўлган минтақа бўлиб, аҳолисининг ярмидан кўпини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

— Биз учун ёш авлод келгусида илгор билимлар, кўникмалар ва халқаро тажрибадан фойдаланиш имконига эга бўлган ҳолда, замонавий технологик иқтисодиётнинг бир қисмига айланиши

жуда муҳим, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Шу муносабат билан инсон капиталини ривожлантириш соҳасида узоқ муддатли ҳамкорликни шакллантириш тақлиф этилди. Ушбу ҳамкорлик “бўюртма — ўқитиш — бандлик” деган аниқ тамойилга асосланиш керак.

Айниқса, сунъий интеллект технологияларини биргаликда ишлаб чиқиш ва жорий этишда ёшларнинг тутган ўрни жуда муҳим. Шу боис, Президент Ли Чжэ Мённинг “Ўхшаши йўқ Корея” доктринасини ушбу кенг қўламли жараён учун Марказий Осиёдаги асосий таянч майдонлардан бирига айлантириш тақлиф этилди.

Яқунда Ўзбекистон келгуси йилда Корея Республикаси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 35 йиллиги ва корейс диаспорасининг минтақамизда яшай бошлаганининг 90 йиллигига бағишланган байрам тадбирларини энг юқори даражада ўтказишга тайёр экани таъкидланди.

Саммитда бошқа етакчилар ҳам сўзга чиқди. Тадбир якунлари бўйича Сеул декларацияси ҳамда ҳамкорлиқнинг устувор йўналишларига тааллуқли бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу кунни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” бизнес саммитида ҳам иштирок этди.

Тадбирда Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мён, Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ҳамда Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳам қатнашдилар.

Мамлакатимиз етакчиси бизнес саммит иштирокчиларини самимий кутлаб, “Марказий Осиё — Корея Республикаси”

формати бугун сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилаётганини мамнуният билан қайд этди.

Давлатимиз раҳбари ҳамкорликни мамлакатлар салоҳиятининг бир-бирини тўлдириши тамойили асосида йўлга қўйишни тақлиф этди. Бунда корейс компаниялари Марказий Осиёни 80 миллиондан ортиқ аҳолига, ўсиб бораётган талабга ҳамда катта ресурс, энергетика ва инсон салоҳиятига эга ягона имкониятлар макони сифатида қабул қилиши муҳимлиги таъкидланди.

Ҳар бир мамлакатнинг хомашё базасидан келиб чиқиб, Марказий Осиёда саноат кооперациясини ривожлантириш ва тўлиқ ишлаб чиқариш занжирларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, Ўзбекистоннинг минерал хомашё базаси камида 3 триллион доллар баҳоланмоқда.

Нодир минераллар соҳасида яқин йилларда умумий қиймати 4 миллиард доллардан ортиқ бўлган 120 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Минтақанинг ресурс базасини Кореянинг молиявий ва технологик имкониятлари билан бирлаштириб, асосий эътиборни хомашё экспортидан кўра уни чуқур қайта ишлаш ва тайёр юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратиш тақлиф этилди.

Қўшма тадқиқотлар ўтказиш, илгор технологияларни жорий этиш ва кадрлар

тайёрлаш муҳим йўналиш сифатида белгиланди. Мамлакатларимизга Корея компаниялари, университетлари ва тадқиқот марказларини жалб этиб, интеллектуал мулк ҳуқуқи билан ҳимояланган янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш учун ягона ҳамкорлик тизимини яратиш тақлиф қилинди.

Сунъий интеллектга алоҳида эътибор қаратилди. У беш йил давомида ҳар бир мамлакат иқтисодиётида камида 10 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратиш имконини беради. Шу мақсадда Қорақалпоғистонда сунъий интеллект дата-марказлари учун кенг имтиёزلарга эга хаб ташкил этилди. Корейс компаниялари ушбу соҳага инвестиция киритишга тақлиф қилинди.

Яримўтказгичлар ва микроэлектроника ишлаб чиқаришда ҳамкорлиқнинг истиқболли экани қайд этилди. Нурафшон шаҳридаги Келажак технологиялари маркази негизда яримўтказгичлар, саноат микроэлектроникаси ва янги материалларни лойиҳалаш ҳамда синовдан ўтказиш бўйича қўшма марказ ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Корея ва Марказий Осиё компанияларининг илмий-тадқиқот бўлиналари ҳамда лабораторияларини жойлаштириш учун шароит яратишга тайёр.

Биотехнологиялар ва фармацевтикани ривожлантиришда катта салоҳият мавжуд. Ўзбекистонда дори воситалари ва tibbiy буюмлар бозори ҳажми 3 миллиард долларга етди. Тадқиқотлар, клиник база ва ишлаб чиқаришни бирлаштирувчи биофармацевтика кластерини ташкил этиш тақлиф қилинди.

Бунда асосий эътибор мутахассислар тайёрлашга, жумладан, минтақа миқёсда муҳандисларни ўқитиш ва уларнинг Корея лабораториялари ҳамда илгор корхоналарида стажировка ўташини ташкил этиш

бўйича ягона дастурни йўлга қўйишга қаратилди.

Корейс компаниялари мисни қайта ишлаш, электротехника ускуналарини ишлаб чиқариш, автомобиль ва электромобиль саноати учун бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш, робототехника ва автоматлаштириш, биотехнологиялар ва фармацевтика, гидроэнергетика, энергияни сақлаш тизимлари, энергетика тармоқларини модернизация қилиш, шунингдек, транспорт ва шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга тақлиф этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев рафикаси билан бирга биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммити муносабати билан ташкил этилган расмий қабулда иштирок этди.

Тадбирда Корея Республикаси Президенти ҳамда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ҳам қатнашди.

Эътиборли жиҳати, олий мартабали меҳмонлар учун тайёрланган маданий дастурда юртимиз санъат усталари ҳам иштирок этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи якунланди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖАНУБИЙ КОРЕЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР ДОИРАСИДАН АНЧА КЕНГ

Хорижлик экспертлар Ўзбекистон етакчилининг Сеулдаги учрашувлари якунлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 13-16 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди.

Ташриф давомида Ўзбекистон раҳбари Президент Ли Чжэ Мён, мамлакатнинг бошқа расмийлари, Жанубий Корея бизнес доиралари етакчилари билан икки томонлама учрашувлар ва бизнес форум доирасида самарали музокаралар ўтказди.

Фол мулоқотлар давомида сунъий интеллект, муҳим минераллар, темир йўл транспорти ва бошқа йўналишлардаги ҳамкорлик бўйича салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланди.

Ўзбекистон етакчиси “C5+1” доирасидаги ҳамкорлиқнинг янги босқичини белгилаб берган, давлат раҳбарлари даражасидаги “Марказий Осиё — Корея Республикаси” биринчи саммитида иштирок этди ва муҳим ташаббусларини илгари сурди.

Сеулдаги мулоқотларнинг самарали натижалари турли мамлакатларнинг етакчи экспертлари эътиборини тортиди.

Карлос Уриарте САНЧЕС, Испаниядаги Пан-Европа иттифоқи президенти, профессор:

— Сеулда бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар ва эришилган келишувлар Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги стратегик шериклики янада мустаҳкамлади.



Ўзбекистон ва Жанубий Кореяни бוגлаб турган юксак сиёсий ишонч ва ўзаро ҳурматни алоҳида таъкидлашни истардим. Бугунги кунда айнан шу мустаҳкам пойдевор асосида икки давлатнинг узоқ муддатли манфаатларига жавоб берадиган стратегик ҳамкорлиқнинг янги йўналишлари шаклланмоқда.

Жанубий Кореянинг илгор технологиялари ва Ўзбекистоннинг саноат салоҳиятига асосланган инновацион ва технологик альянсини шакллантириш ташаббусига алоҳида аҳамият қаратаман.

Меҳмет Сайфеттин ЭРОЛ, Анкара инкироз ва сиёсатни ўрганиш маркази (АНКАСАМ) раиси, профессор:



— Бугунги кунда Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларини фақат савдо, инвестициялар ёки алоҳида иқтисодий лойиҳалар билан чеклаш керак эмас. Икки давлат ўртасида технология, саноат, таълим, кадрлар тайёрлаш ва иқтисодий ҳамкорлиқнинг янги йўналишларини қамраб олган бир-бирига нисбатан катта қизиқиш шаклланмоқда.

Ўзбекистон Корея Республикасининг минтақадаги энг муҳим ҳамкорларидан биридир. Мамлакат катта ички бозор, ўсиб бораётган саноат сектори ва ёш аҳолига эга. Қолаверса, Тошкент инвестициялар билан бирга технологиялар, билим ва амалий тажрибани ўзлаштиришдан манфаатдор.

Мен иқтисодий ҳамкорлик мазмуни ўзгаришига эътибор қаратган бўлардим. Гап тобора кўпроқ сунъий интеллект, рақамли технологиялар, замонавий ишлаб чиқаришлар, касбий таълим ва мутахассислар тайёрлаш ҳақида бормоқда.

Ўзбекистон бугунги кунда кўплаб ўхшаш вазифаларни ҳал этмоқда — саноатни модернизация қилмоқда, рақамли иқтисодиётни ривожлантирмоқда, хорижий компаниялар билан ҳамкорликни кенгайтирмоқда. Шу боис, Жанубий Корея тажрибаси Тошкент учун нафақат инвестициявий, балки технологик жиҳатдан ҳам қизиқиш уйғотади.

Шу ўринда содир бўлаётган воқеаларни баҳолашни фақат Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари билан чекламаган бўлардим. Марказий Осиёга кенг назар ташлайдиган бўлсак, деярли барча йирик иқтисодий марказлар томонидан минтақага қизиқиш ортиб бораётгани аён бўлади. АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Қўрғаз мамлакатлари ва бошқа давлатлар бу ерда ҳамкорлик учун янги ресурс изламоқда.

Марказий Осиё давлатларининг ўзи учун бу янги имкониятлар яратади. Бу ерда

минтақа мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва қўшма ташаббусларини ривожлантиришни изчил ёқлаб келаётган Ўзбекистон раҳбарининг ролини алоҳида таъкидлаган бўлардим.

Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Тошкент минтақавий яқинлашувни, савдо, транспорт алоқалари ва иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтиришни фол қўллаб-қувватламоқда. Бу минтақа мамлакатларига ўз манфаатларини янада яқинроқ мувофиқлаштириш ва ташқи ҳамкорлар билан муносабатларда позицияларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Айнан шу яқинлашув фониди “Марказий Осиё — Корея Республикаси” биринчи саммитини янги босқичнинг бошланиши деб биламан. Етакчилар даражасида бундай учрашув ўтказилиши Жанубий Корея ва Марказий Осиё ўртасидаги муносабатлар янада тизимли тус олаётганидан далолат беради.

Минтақа мамлакатлари бу ерда умумий иқтисодий манфаатларга эга ва Сеул билан узоқ муддатли ҳамкорликдан манфаатдор макон сифатида намоён бўлаётгани ўта муҳимдир.

Раҳмон ЎЛМАСОВ, Россия — Тожикистон (Славян) университети профессори:



— “Марказий Осиё — Корея Республикаси” давлат раҳбарлари даражасидаги биринчи саммит Жанубий Кореянинг минтақамиздаги бешта давлат билан ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқмоқда. Ушбу жараёнда Ўзбекистон Жанубий Корея стратегиясида алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик саноат, транспорт, рақамли технологиялар, ресурсларни қазиб олиш ва таълим йўналишларини қамраб олади. Саммит арафасида мамлакатлар 13 та ҳамкорлик ҳужжати, жумладан, сунъий интеллект, муҳим минераллар ва темир йўл транспорти соҳаларидаги келишувларни имзолади.

Ўзбекистон Президенти Жанубий Корея билан биргаликда иқтисодий ва технологик алоқаларни янада кенгайтириш учун асос бўлиши мумкин бўлган “Янги ипак йўли”ни барпо этиш тақлифини илгари сурди.

Замонавий корхоналарни ташкил этиш, хомашёни қайта ишлаш, энергетика, рақамлаштириш ва касб-хунар таълимининг ривожлантиришга Жанубий Корея сармояларини жалб этиш истиқболли муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон учун бу, асосан, хомашё экспорт қилишдан юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ўтиш вазифаси шароитида жуда долзарбдир.

Кадрлар салоҳиятини ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жанубий Корея билан таълим, касбий тайёргарлик ва академик алмашинув соҳасидаги ҳамкорлик иқтисодиётнинг замонавий тармоқларида талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш имконини кенгайтиришга хизмат қилади.

Марказий Осиё мамлакатлари учун Жанубий Корея тажрибаси нафақат инвестициялар, балки технологияларни жорий этиш, саноатни ривожлантириш ва малакали иш ўринларини яратиш нуқтани назардан ҳам муҳим. Шу билан бирга, Жанубий Кореяга меҳнат миграцияси маҳаллий бозор талаблари, жумладан, касбий тайёргарлик, тил билиш ва виза шартларига жавоб беришни талаб қилади.

Сеул саммити Марказий Осиё иқтисодиётини янада диверсификациялашда муҳим аҳамиятга эга. Минтақа учун Жанубий Корея билан ҳамкорлик инвестициялар ва технологияларни жалб қилиш имкониятини яратади, Жанубий Корея томони эса ресурслар, энергетика ва янги бозорлардан манфаатдор.

Ўзбекистон учун ушбу ҳамкорлиқнинг амалий натижаси сунъий интеллект ва транспорт соҳасидаги қўшма лойиҳалардан тортиб, саноатни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва хомашёни қайта ишлашгача бўлган йўналишларда эришилган келишувларни рўёбга чиқаришдир.

Эмин ҒАРИБЛИ, Озарбайжон давлат иқтисодиёт университети доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Жанубий Кореяга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ҳамкорлик йўналиши ўзгарди: эътибор алоҳида савдо шартномаларидан узоқ муддатли инвестициялар, технологик ҳамкорлик, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва мамлакатни глобал занжирларга қўшишга қаратилмоқда.



Шу нуқтани назардан, Корея Республикасига ташриф иқтисодиётни кенгайтиришда алоҳида роль ўйнайди. Ўзбекистон учун Жанубий Кореянинг инвестициялар, замонавий технологиялар, саноат компетенциялари, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги тажрибаси муҳимдир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Жанубий Корея капитали иштирокида 700 тага яқин корхона фаолият юритмоқда, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми эса 8 миллиард доллардан ошди.

Фикримча, навбатдаги босқич Ўзбекистонда юқори технологияли қўшма ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлади. Айниқса, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект, электроника, машинасозлик, “яшил” энергетика, кимё саноати ва замонавий инфратузилма истиқболли соҳа саналади.

Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ривожлантириш, малакали иш ўринлари яратиш ва Ўзбекистон корхоналарини глобал ишлаб чиқариш занжирларига босқичма-босқич киритиш имконини беради.

Давлат раҳбарлари даражасидаги “Марказий Осиё — Корея Республикаси” биринчи саммити ўтказилиши ташрифта алоҳида аҳамият бағишлайди. Форматнинг олий сиёсий даражага кўтарилиши узоқ муддатли стратегик шериклик учун замин яратади.

85 миллиондан ортиқ аҳоли, салмоқли ресурслар ва ўсиб бораётган транспорт ўзаро боғлиқлигига эга Марказий Осиё Жанубий Корея учун истиқболли иқтисодий маконга айланмоқда.

Шу боис, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига ташрифига нафақат Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатларининг муҳим босқичи, балки бутун Марказий Осиё учун янги имконият яратадиган воқеа сифатида қараш лозим.

“Дунё” АА

Келгуси босқичда асосий вазифа эриш-
тилган келишувларни аниқ лойиҳалар, янги
ишлаб чиқаришлар, замонавий технология-
лар, малакали кадрлар ва аҳоли фаровонли-
гига хизмат қиладиган амалий натижаларга
айлантиришдир.



Мақсуд ЖОНИХОНОВ, журналист

Тошларга кўчган сакинат

Иждоқор аҳлининг ҳаёти йўлларда ўтади. Касб тақозоси билан юртимизнинг жуда кўп гўшаларини кезганман, не-не мухташам обидалар, кўкка бўй чўзган баланд минораларни кўрганман. Аммо Самарқанддан чиқиб, Пайариқ туманидаги Хартанг қишлоғи томон юрар эканман, машинам ойнасидан қираётган шабада димоғимга мутлақо бошқача ифори олиб келди. Бу илмининг, иймоннинг ва хокисорликнинг бўйи эди.

2026 йил Рамазон ойида мухташам қиёфада очилган Имом Бухорий мажмуаси остонасидан ҳатлаб ўтишим билан ичимдаги “расмий журналист” бирдан сукут сақлади-ю, ўрнини оддий мўмин, бир ўзбек зиёлисининг ҳайрати ва ҳаяжони эгаллади.

Биз бу ерга келганда нимани кутган эдик ва аслида нимани топдик? Кўпчилик шунчаки кенгайтирилган масжид ёки чиройли зиёратгоҳ кўришни кутган бўлиши мумкин. Аммо меъморчиликнинг ушбу

улугвор дурдонаси қаршида турганда инсон ўз-ўзидан кутмаган, фақат қалб кўзи билан илғаб олинадиган шундай самимий ҳақиқатларга дуч келар эканки, бу ҳақда шукрона билан ёзмасликнинг илоҳи йўқ.

Асрларга татигулик маҳобат

Рақамлар ҳақида гапирганда ақл шошади: лойиҳа асосида мажмуа майдони нақд 45 гектарга кенгайтирилди. Марказда 10 минг кишини бир вақтнинг ўзида бағрига оладиган улкан масжид, баландлиги 75 метр бўлган 4 та улугвор минора ва миллий услубда ишланган 154 устулни мухташам айвон қад ростлабди. Илгари бу ер бир кунда аранг 12 минг зиёратчини қабул қилган бўлса, бугун ушбу муқаддас қадамжонинг қуввати 65 минг кишини ташкил этмоқда. Мажмуага ёндош 15 гектар майдонда замонавий меҳмонхоналар, оилавий меҳмон уйлари ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилган.

Журналист сифатида мен бу улкан маҳобат ортида, аввало, Президентимизнинг юксак миллий гурури, сиёсий иродаси ва қатъиятини кўрдим. Ушбу мажмуани қайта қуриш гоёси илк бор ўртага ташланганда кўпчилик бунчалик кенг қўламли, асрларга татигулик лойиҳани амалга ошириш мумкинлигига шубҳа билан қараган эди. Аммо давлатимиз раҳбари шахсан ўзи қурилишнинг ҳар бир босқичини назорат қилиб, бу ер нафақат зиёратгоҳ, балки дунё ислом маърифатининг энг катта маркази бўлиши керак дея қатъий талаб қўйди. Президентимизнинг мана шу қатъияти ва узоқни кўра билиш сиёсати туфайли бүгун Самарқанд тупроғида миллатимизнинг минг йиллик юзини ёруғ қиладиган мўъжиза содир бўлди.

Мухаддислар султони бўлмиш Имом Бухорий бобомиз ўз даврида илм излаб минглаб чакирим йўл босган. У зотнинг ҳаёти заҳмат ва машаққатдан иборат эди. Мана, орадан асрлар ўтиб, Яратган у зот ётган тупроқни шундай улуглади. Дунёнинг тўрт бурчагидан келган



мўмин-мусулмонлар ҳеч қандай қийинчиликсиз, шохона шаронгта бобомизнинг меросини ўрганмоқда. Бу бизга илм ва ихлос йўлидаги ҳеч бир амал без кетмаслигини кўрсатади. Янгиланган мажмуанинг ҳар бир мармар тоши бизни сабр ва меҳнат ортидаги муқофотга ишонишга, Яратганнинг ушбу кунларига шукрона айтишга ундайди.

Оддийликдаги буюклик

Қурилиш жараёни бир неча йил давом этди. Шу йиллар давомида бир ҳақиқатга гувоҳ бўлдик: давлатимиз раҳбари Самарқандга ҳар гал ташриф буюрганида, албатта, Хартангга — Имом Бухорий мажмуасига қиради.

Мени журналист, инсон сифатида энг қаттиқ таъсирлантирган, кўзимга ёш қалқитган жиҳат бошқа нарсга бўлди. Президентимиз қурилиш майдонида келганида фақат чизмаларга қарамади. Атрофдаги маҳаллаларда яшовчи оддий одамлар, хонадон эгалари билан, қўллари қадоқ гишт терувчи усталар, ёғоч ўймакорлари билан соатлаб самимий суҳбат қурди. Уларнинг ҳол-аҳволини, бола-чақасининг соғлиғини сўради.

Ҳатто ишониш қийин бўлган бир воқеани айтиб беришди: Президентимиз қурувчиларнинг ётоқхонаси, яшаш шароити ва энг муҳими — кундалик ейдиган ош-овқатигача суриштирган. Усталаримиз нима еяпти? Овқати тўйимлими, гўшти жойидими? Улар уйдан узоқда меҳнат қиляпти, уларга ҳамма шароитни қилиб беринглр деб қуйинган экан.

Қанчалар бағрикенглик! Дунёда давлат раҳбари кўп, лекин улкан глобал муаммолар, халқаро сиёсат қайнаб турган бир пайтда қурилишдаги оддий ишчининг иссиқ-совуғи ва қозонидаги овқатигача суриштирадиган давлат раҳбарини топиш жуда қийин. Мана шу меҳр, мана шу оддийлик ва бағрикенглик Имом Бухорий бобомиз бутун умр китобларига битган ўша олийжаноб мусулмон аҳли хулқининг амалдаги ифодаси эмасми?!

Устунлар шивири ва иждоқор қалби

Мажмуанинг айвон қисмига қадам босганимда юқорига тикилиб, беихтиёр тўхтаб қолдим. Ёғоч ўймакорлигининг олий намунаси бўлган 154 устун худди тирик дарахтлардек саф тортиб турибди. Бу

устунлар шунчаки бинони ушлаб турган тиргаклар эмас, балки ҳар бирда юртимизнинг узоқ-узоқ қишлоқларидан келган усталарнинг меҳнати, қалб кўри ва дуолари яширинган.

Бу устунларга қараб туриб, ўзликни англаш нақадар муҳимлигини тушунамиз. Биз кимнинг авлодларимиз? Биз фақат бой тарихга эга эмас, балки ўша тарихни бугун ҳам давом эттиришга қодир, қўлигул миллатимиз! Айвон остидаги устунлар оралаб юрганингизда майин эсаётган шамол ёғочларнинг ифориини димоғингизга олиб келади. Шунда қалбингиздан бир туйғу ўтади: “Аллоҳим, бизга ўз ота-боболаримизнинг санъатини, иймонини ва маданиятини мана шундай гўзал шаклда тиклаш бахтини берганинг учун Ўзингга ҳамдлар бўлсин!”.

Биз кутмаган мўъжиза

Янги мажмуанинг мен учун энг қутилмаган ва ҳайратланарли масканларидан бири Имом Бухорий ҳаёти ва илмий меросига бағишланган инновацион музей бўлди. Ушбу музей 9 та тематик павильондан иборат бўлиб, у ерда энг илғор ахборот технологиялари ва рақамли тизимлар ўрнатилган.

Музей ичига қирар экансиз, шунчаки қадимий экспонатларни кўрмайсиз, балки VII-IX асрлар муҳитига, ҳадис илмининг шаклланиш жараёнига саёҳат қиласиз. Экранларда Имом Бухорийнинг туғилган жойи, Макка, Мадина, Бағдод, Басра ва Қуфа шаҳарларига илмий сафарлари хартаси жонланади. Қуръони каримда исми зикр этилган пайгамбарлар тарихи, Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг шаҳарлари визуал шаклда намойиш этилади.

Кўпчилик дин ва фанни, иймон ва технологияни бир-бирига қарама-қарши деб ўйлайди. Аммо ушбу инновацион музей замонавий технологиялар иймонга, илмга ва маърифатга қандай гўзал хизмат қилиши мумкинлигини кўрсатиб берибди. Биз фарзандларимизни телефон ва

— Турмуш ўртоғим Катта Фарғона каналини қазиб ишларида фаол қатнашган. Қурилиш қишлоғимизга яқин жойда бўлгани учун ҳашарчилардан тез-тез хабар олиб турардик. Меҳнат жуда оғир эди: эркаклар тупроқ қазиб берар, биз — аёллар уни қоп ва замбилларга солиб, тепага таштирдик. Баъзан санъаткорлар келиб, ҳашарчиларга концертлар қўйиб берарди. Тамарахоним, Мукаррамахоним ва Усмон оталарни илк бор ўша ерда кўрганман, — дейди ая. — Кунлик пахта теримидан ташқари, кўрак узиб, чувив, кечаси тарозида тортиб топширардик. Хуллас, бошимиздан кўп қийинчиликлар ўтган. Яратганга шукр, бугунги тинчлик, тўкин-сочинлик, фаровонлик ва эмин-эркинликка етказди. Шу неъматларни қўриб, кўзим қувнайди, дилим яйрайди. Бу кунларни кўрсатганига ва етказганига шукр! Биз кўрган ўша оғир кунларни сизлар асло кўрманглр.

Онахон яшаётган ҳовлидаги узумзор ва мевали боғлар гўё гул-чаманга буркангандек. Куз эпкинисида аста бош чайқаётган садарайҳонларнинг хуш ифори димоққа урилади. Буларнинг барчаси оддий ва камтарин бир оилада кундалик аънамага айланиб кетган ҳалол меҳнат, ўзаро ҳамжихатлик ва ширинсуханлик

Маъсули эканини дилдан ҳис қиласиз. Айнан шу қадриятлар қутлуғ ёшли онахон яшаётган бу хонадонга ўзгача файзу барака бағишлаб турибди.

— Онахонимнинг кўп йиллик меҳнати қадрланиб, “Шухрат” медали билан тақдирлангани ҳақидаги хабарни эшитибоқ қувончдан уйда ўтиролмай қолдим, — дейди қизи Ҳанифахон Мирзаева. — Бу ерга етиб келсам, ҳовлимида тумонат одам тўпланган экан. Табрик ва қўтловлар Фарғонада тонг отгунча давом этди. Мана, энди ҳар кунни меҳмон кутаямиз.

Ибихон момо анча бардам, сўзлари теран, маъноли, хотираси эса ҳамон жуда тиниқ. Узоқ умр кўриши сири ҳақида гап кетганда, агар ҳалол меҳнат қилсангиз, қалбингиз тоза, феълингиз кенг бўлса, умрингиз ҳам зиеда бўлади деб жавоб беради. Момо бугунги тинч-тотувлик ва тўкинликка доимо шукрона келтириб яшашга барчани даяват этишдан асло чарчамайди.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Шерзод Қоробоев олган сурат.

Шукрона

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШИБ...

Кўштепа туманининг Қоражийда қишлоғидаги “Халқобод” маҳалла фуқаролар йиғинида юз билан юзлашиб яшаётган Ибихон Қосимова бугун кўпчиликнинг эътибори ва ардоғида. Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллик байрами арафасида Президентимиз фармонига мувофиқ, юз ёшдан ошган бир гуруҳ пиру бадавлат отахон ва онахонлар “Шухрат” медали билан тақдирланди. Улар қаторида 102 ёшни қарши олган Ибихон она Қосимова ҳам бор.

Табаррук онахон яшаётган ҳовли дарвозасидан ичкарига қирар эканмиз, ишқомда маржондек осилиб пишган узумлар бошимизга тегай-тегай дейди. Оқ рўмол ташлаб олган Ибихон ая эса фарзандлари, набиралари ва маҳалладошлари даврасида тетик ўтирибди. Онахоннинг қадоқ қафғлари ва юзига чуқур сингиб кетган ажинлар ҳаёт йўлларидан сўзлаб тургандек.

Ая Катта Фарғона каналини қазиб ва янги ерларни ўзлаштиришда фаол иштирок этган. Турмушнинг кўплаб машаққатларини бошдан кечирганига қарамай, тўрт фарзандни оқ ювиб, оқ тараб, элга муносиб инсонлар этиб камолга етказди. Бугун 16 невара, 36 чевара ҳамда ўнлаб эвараларнинг суюкли бувиси, шунингдек, катта оиланинг меҳрибон ғамхўри ва дуоғўйи.

— Менга кўрсатилган ғамхўрлик, иззат-икром ва эътибордан жуда хурсанд бўлдим. Гўё умримга умр қўшилди, — дейди Ибихон она. — Қиз бола палахмон тоши экан. Бу ерга Андижоннинг Шахрихонидан келин бўлиб тушганман. Турмуш ўртоғим жамоа ҳўжалиги раиси бўлган, лекин ҳеч ким менга “уйда ўтиравер”, демаган. Бир бурда нон топиш илинжида тонг саҳарлаб бир қўлимизда бола, бошимизда беланчак кўтариб далага чиқардик. Уйма-уй юриб маҳаллий ўғит йигар, сўнг уни олиб чиқиб, эгатларга сочардик. Бригадирнинг қамчисидан қон томарди. Икки-уч қутилаб ипак курти ҳам боққанмиз. Шунда ҳам қорнимиз нонга тўймаган. У пайтлари болалар боғчаси йўқ эди. Кун бўйи даладаги тупроққа қоришиб кетган



болаларимизни кечқурун фақат кўзидан таниб олардик. Уйга қайтиб эса яна ўчоқ бошига югурардик. У кунларни эсласам, ҳалигача юрагим қуйиб кетади.

Аср билан юзлашган онахон босиб ўтган ҳаёт йўли, оиласи ва фарзандлари камолоти

йўлида қилган ишлари, шунингдек, ҳалол меҳнати билан маҳалладошлари меҳрини қозongan. Бугун бу хонадонга йўқлаб келувчилар янада кўпайган. Ибихон она уларнинг ҳар бирини алқаб, дуо қилиш ва хотиралари билан ўртоқлашишдан чарчамайди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълоилар бўлими: (71) 233-70-98

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишлор телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-946.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаххис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқини — 00:15 Топширилди — 01:01